

**ЯНГИ ТАХРИРДАГИ ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ  
КОНСТИТУЦИЯСИ – ХОРИЖДАГИ ВАТАНДОШЛАР БИЛАН  
АЛОҚАНИ РИВОЖЛАНТИРИШ КАФОЛАТИ**

**Исамидин ИСМАИЛОВ**

Профессор

юридик фанлар доктори

Ўзбекистон Республикаси Жамоат хавфсизлиги университети

Тошкент, Ўзбекистон

isomiddinosmoilov@gmail.com

**Аннотация**

Ушбу мақолада хориждаги ватандошлар билан алоқа ўрнатиш ҳамда уни ривожлантириш борасида амалга оширилган ишлар тизимли таҳлил қилинганд. Шунингдек янги таҳрирдаги Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг “Давлат хорижда яшётган ватандошлар билан алоқаларни сақлаб қолиш ҳамда ривожлантириш тўғрисида халқаро хукуқ нормалариға мувофиқ ғамхўрлик қиласи” деган қоиданинг амалда таъминлаши бўйича мақсадлар ва вазифалар ёритилган.

**Таянч сўзлар:** ватандош, алоқа, ривожлантириш, ғамхўрлик, ҳамкорлик, давлат, сиёsat, концепция, мақсад, вазифа, қўллаб-қувватлаш, рағбат чоралари, жамоат фонди.

**КОНСТИТУЦИЯ РЕСПУБЛИКИ УЗБЕКИСТАН В НОВОЙ  
РЕДАКЦИИ – ГАРАНТИЯ РАЗВИТИЯ СВЯЗЕЙ С  
СООТЕЧЕСТВЕННИКАМИ ЗАРУБЕЖОМ**

**Исамидин ИСМАИЛОВ**

профессор

доктор юридических наук

Университет общественной безопасности

Республики Узбекистан

Ташкент, Узбекистан

isomiddinosmoilov@gmail.com

**Аннотация**

В данной статье систематически анализируется проделанная работа по установлению и развитию контактов с соотечественниками за рубежом. Также освещены цели и задачи по обеспечению практической реализации положения о том, что «Государство в соответствии с нормами международного права заботится о сохранении и развитии связей с соотечественниками, проживающими за рубежом», закрепленного в Конституции Республики Узбекистан новой редакции.

**Ключевые слова:** соотечественник, связи, развитие, забота, сотрудничество, государство, политика, концепция, цели, задачи, поддержка, меры стимулирования, общественный фонд.

Мустақиллик йилларида, айниқса Ҳаракатлар ва Тараққиёт стратегияларига мувофиқ хориждаги ватандошлар билан алоқани ўрнатиш ҳамда ривожлантириш бўйича салмоқли ишлар татбиқ этилиб, бу борада Ўзбекистон Республикаси давлат сиёсати Концепцияси асосида тизимли чоратадбирлар амалга ошириб келинмоқда.

Хусусан, Ўзбекистон Республикаси Президентининг ташаббуси билан Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузурида Миллатлараро муносабатлар ва хорижий мамлакатлар билан дўстлик алоқалари қўмитасининг ташкил этилиши ҳамда унинг фаолиятининг хуқуқий асосларининг яратилиши [2], [5] республикамида фаол «халқ дипломатияси» асосида чет элдаги ватандошларимиз билан мунтазам ва ўзаро фойдали муносабатларни йўлга қўйиш, шунингдек бу борадаги ишларни самарали мувофиқлаштириш бўйича мутлақо янги босқич бошлаб берилди.

Шуни алоҳида таъкидлаш жоизки, Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2018 йил 25 октябрдаги “Хорижда истиқомат қилаётган ватандошлар билан ҳамкорлик соҳасида Ўзбекистон Республикаси давлат сиёсатини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида”ти ПҚ-3982-сон қарорига [6] асосан бу соҳадаги давлат сиёсатининг асосий мақсадлари сифатида:

*биринчидан*, халқаро хуқуқнинг умумэътироф этилган принциплари, истиқомат қилинаётган давлатнинг қонунчилиги ҳамда Ўзбекистон Республикасининг халқаро шартномалари асосида хориждаги ватандошларнинг хуқуқ ва эркинликларини амалга оширишга кўмаклашиш;

*иккинчидан*, ватандошларнинг Ўзбекистон маданий, илмий ва маънавий меросини кенг тарғиб қилишга, уни жаҳон миқёсида ўрганиш ва оммалаштиришга, истиқомат қилаётган давлатларида ўзбек тили, маданияти ва анъаналарини сақлаб қолиш ва ривожлантириш борасидаги фаолиятларини қўллаб-қувватлаш, уларнинг Ўзбекистонда таълим олиш имкониятларини кенгайтириш;

*учинчидан, Ўзбекистон Республикасининг ижтимоий-иқтисодий ривожланишига ва унинг хорижий мамлакатлар билан ўзаро манфаатли, дўстона муносабатларини қуришга ўз ҳиссасини қўшмоқчи бўлган ватандошлар ҳамда улар тузган ташкилотлар билан алоқаларни ривожлантириш ва мустаҳкамлаш;*

*тўртинчидан, ватандошларнинг Ўзбекистон ҳудудида профессионал, шу жумладан, тадбиркорлик, инвестициявий, илмий, маърифий ва маданий фаолият билан шуғулланишлари учун қулай ҳуқуқий, ижтимоий ва иқтисодий шароитларни яратиш;*

*бешинчидан, ватандошларнинг салоҳиятини Ўзбекистонда олиб борилаётган кенг кўламли социал-иқтисодий ва ижтимоий-сиёсий ислоҳотларни қўллаб-қувватлашга, Ўзбекистон Республикасининг халқаро нуфузини янада мустаҳкамлашга жалб қилиш белгиланиб [6], уларни реал хаётда таъминлаш борасида тизимли ишлар амалга оширилиб келинмоқда.*

Бундан ташқари, хорижда истиқомат қилаётган ватандошлар билан ҳамкорлик соҳасида Ўзбекистон Республикаси давлат сиёсати Концепцияси тасдиқланиб, унга мувофиқ ҳамкорликнинг даражаси ва шаклидан келиб чиққан ҳолда, уларга Ўзбекистон Республикаси қонунчилиги асосида давлат томонидан қуидаги қўллаб-қувватлаш ва рағбат чоралари кўрилиши белгиланди:

кириш визаларини, шу жумладан, кўп маротабали ва узок муддатли визаларни соддалаштирилган ҳолда расмийлаштириш, вақтинчалик яшашга ҳамда Ўзбекистон Республикаси ҳудудида меҳнат фаолияти билан шуғулланишга рухсатнома бериш;

юқори малакали кадрларни Ўзбекистонда зарур бўлган мутахассисликлар бўйича ишга олиш;

ижтимоий ва майший масалаларни ҳал қилишга ёрдам бериш;

давлат тасарруфидаги бўш турган обьектларни ва ер майдонларини ватандошларга тадбиркорлик, илмий-тадқиқот, маърифий, инновацион ва бошқа дастур ҳамда лойиҳаларни амалга ошириш учун ажратиб бериш;

ватандошларнинг ўқиши, иши ва бошқа ижтимоий масалаларини тўлиқ (қисман) молиялаштириш;

ватандошлар орасида юқори малакали мутахассисларни давлат ва хўжалик бошқаруви, жойлардаги ижро ҳокимияти органлари ва Ўзбекистон Республикасининг бошқа давлат ташкилотларига раҳбарлик лавозимларига, шунингдек, ушбу ташкилотлар раҳбарларининг консультанти (маслаҳатчиси) сифатида жалб қилиш;

Ўзбекистон Республикаси қонунчилигига кўзда тутилган соддалаштирилган тартибда Ўзбекистон Республикаси фуқаролигини бериш;

ватандошлар — хорижий фуқароларга Ўзбекистон Республикасининг Олий таълим муассасаларида ўзбек тили ва адабиёти, тарих, кино, маданият, театр санъати, телевидение ва радио йўналишлари бўйича таълим олишлари учун грантлар ажратиш;

ватандошларнинг оммавий ахборот воситаларини Ўзбекистон Республикаси ҳудудида аккредитациядан ўтишини соддалаштириш;

Ўзбекистон Республикасини ривожланишига муносаб ҳисса қўшган ватандошларни давлат мукофотлари ва фахрий унвонлар билан тақдирлаш;

Ўзбекистон Республикаси қонунчилиги асосида давлат томонидан кўрсатиладиган бошқа қўллаб-қувватлаш ва рағбат чоралари [7] белгиланган.

Шуни алоҳида таъкидлаш жоизки, хорижда яшаётган ватандошлар билан тизимли чора-тадбирларни амалга оширишнинг хуқукий асосларини яратиш борасида Ўзбекистон Республикасининг “Ўзбекистон Республикасининг фуқаролиги тўғрисида”ги қонунига “ватандош” тушунчасининг киритилганлиги муҳим аҳамият касб этади. Унга мувофиқ “ватандош — Ўзбекистон Республикаси ҳудудида туғилган ёки илгари унинг ҳудудида яшаган, Ўзбекистон Республикасининг фуқаролигига эга бўлмаган, Ўзбекистон Республикаси ҳудудидан ташқарида яшайдиган шахс ва унинг насл-насаб шажараси бўйича тўғри туташган ўзидан кейинги қариндошлари, башарти, агар уларнинг насл-насаб шажараси бўйича тўғри туташган ўзидан

олдинги қариндошлари Ўзбекистон Республикаси ҳудудида яшаётган бўлса ҳамда Ўзбекистон Республикасининг фуқаролари бўлса” [1], деб ҳисобланади.

Бундан ташқари, хорижда истиқомат қилаётган ватандошларни тарихий Ватани атрофида янада жипслаштириш, уларнинг қалби ва онгида юрт билан фахрланиш туйғусини юксалтириш, миллий ўзликни сақлаб қолиш, ватандошлар ва улар томонидан тузилган жамоат бирлашмаларини қўллаб-кувватлаш, турли соҳаларда фаолият юритаётган ватандошларимизнинг салоҳиятини мамлакатимиз тараққиётига самарали йўналтириш мақсадида нодавлат нотижорат ташкилоти — «Ватандошлар» жамоат фонди ташкил этилганлиги ва унинг асосий фаолият йўналишлари белгилаб берилганлиги [8] бу соҳадаги ишларнинг самарадорлигини оширишга хизмат қилиб келмоқда.

Хусусан “Ватандош” жамоат фонди томонидан 2022 йилда ажратилган давлат субсидияси асосида:

70 га яқин хорижий давлатларда ватандошлар иштироқида юртимизнинг муҳим саналарида онлайн ва оффлайн маданий-маърифий тадбирлар, танловлар ўtkазилди;

хорижий давлатларда истиқомат қилиб, фаолият олиб борган лекин бугунги кунда юртимизда фаолият олиб бораётган ватандошлар тўғрисида “Ватандош” номли 20 та туркум кўрсатув тайёрланди ва “Dunyo bo‘ylab”, “MY5”, “Milliy TV”, “Renessans TV” ва “O‘zbekiston 24” телеканаллари орқали эфирга берилди;

хориждаги 199 та ватандошлар жамоат бирлашмаларидан 60 таси билан ҳамкорлик Меморандуми имзоланди, 20 та хориждаги ватандошлар жамоат бирлашмаларига 980 та бадиий адабиётлар, 20 та миллий чолғу асбоблари, 10 та миллий либослар, 100 та хунармандчилик намуналари етказиб берилди;

фонд томонидан ижтимоий тармоқлар орқали 2 000 дан ортиқ мулоқотлар, Zoom платформаси орқали 300 тадан ортиқ онлайн мулоқотлар ташкил этилди;

ижтимоий тармоқлардаги саҳифаларда “Кун оиласи”, “Ватандош олимлар”, “Хориждаги миллий ошхона”, “Ёш ватандошлар” лойиҳалари йўлга

кўйилиб, уларда ватандошларимиз фаолияти мунгумнига равишида ёритиб борилди;

фонд хузурида 6 нафар ватандошлардан иборат тиббиёт соҳаси Экспертлар кенгаси ташкил этилди [9].

Истиқболда бу борадаги ишларни янада ривожлантириш мақсадида Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2022 йил 28 январдаги “2022-2026 йилларга мўлжалланган Янги Ўзбекистоннинг тараққиёт стратегияси тўғрисида”ги ПФ-60-сон Фармони билан тасдиқланган Тараққиёт стратегиясининг «Ватандошлар» жамоат фонди орқали хорижий давлатлардаги юртдошларимиз билан доимий ва самарали алоқалар ўрнатиш номли 87-мақсадига мувофиқ:

а) хорижда истиқомат қилаётган ватандошларни Ўзбекистон ҳудудида тадбиркорлик, инвестициявий, илмий, маърифий ва маданий фаолият билан шуғулланишга фаол жалб қилиш;

б) хориждаги ватандошлар ва улар томонидан тузилган жамоат бирлашмаларни қўллаб-қувватлаш, юртимизнинг бой илмий, маданий ва маънавий меросини кенг тарғиб қилиш ва оммалаштириш, ватандошларга маданий-маърифий тадбирларни ташкил этишда кўмаклашиш;

в) хорижда истиқомат қилаётган ватандошлар билан ҳамкорлик ўрнатиш ва олиб бориш соҳасида юзага келаётган муаммоларни тизимли асосда таҳлил қилиб бориш ва уларнинг ечими юзасидан аниқ таклифлар ишлаб чиқиш;

г) хорижда ўзбек тили, маданияти ва анъаналарини сақлаб қолиш ва ривожлантиришга қаратилган фаолиятни қўллаб-қувватлаш, юртимизнинг бой илмий, маданий ва маънавий меросини кенг тарғиб қилиш ва оммалаштириш;

д) хориждаги ватандошларнинг салоҳиятини Ўзбекистон Республикасини ривожлантиришга жалб этиш ва уларни рағбатлантириш чораларини кўриш борасида тизимли ишлар амалга оширилмоқда.

Шунингдек, Тараққиёт стратегиясининг жаҳон ҳамжамиятида мамлакатимиз имиджини оширишга қаратилган ахборотлар етказиш

самарадорлигини оширишни таъминлаш деб номланган 98-мақсади доирасида эса чет элларда Ўзбекистоннинг ютуқларини қўллаб-қувватлаш ва рағбатлантириш учун Ватандошлар ресурсларини жалб қилиш бўйича тизимли чора-тадбирларни амалга ошириш белгиланди [3].

Янги таҳрирдаги Ўзбекистон Республикасининг Конституцияси талабларидан келиб чиқсан ҳолда мамлакатимиз тараққиётининг асосий йўналишларини такомиллаштириш ва амалга оширилаётган кенг кўламли ислоҳотларни янги босқичга олиб чиқиш мақсадида Янги Ўзбекистон тараққиёт стратегиясини амалга ошириш жараёнида ортирилган тажриба ва жамоатчилик муҳокамаси натижалари асосида ишлаб чиқилиб, қабул қилинган «Ўзбекистон — 2030» стратегиясида хориждаги ватандошлар билан алоқани ўрнатиш ҳамда ривожлантириш бўйича янги мақсадлар белгиланди.

Хусусан, «Ўзбекистон — 2030» стратегиянинг «Хавфсиз ва тинчликсевар давлат» тамойилига асосланган сиёsatни изчил давом эттириш борасида очик, прагматик ва фаол ташқи сиёsat олиб бориш бўйича ислоҳотлар йўналишида 94-мақсад қилиб хорижда истиқомат қилаётган ватандошларни қўллаб-қувватлаш, улар билан доимий мулоқот тизимини жорий этиш белгиланиб, унга мувофиқ:

*биринчидан*, ватандошлар томонидан ташкил этилган жамоат бирлашмалари фаолиятини ҳар томонлама рағбатлантириш ва уларнинг сонини 300 тага етказиш;

*иккинчидан*, ўзбек тили ва адабиёти, тарих, маданият, санъат ва хунармандчилик йўналишидаги олийгоҳларда хориждаги ватандошлар учун 200 та грант ажратиш;

*учинчидан*, ватандошлар иштирокида тиббиёт, таълим ва илм-фан соҳаларида 100 та лойиҳани амалга ошириш;

*тўртинчидан*, ватандошлар жамоат бирлашмаларига етказиб бериладиган бадиий адабиётлар сонини 100 мингтага ошириш мазкур йўналишда асосий самарадорлик кўрсаткичлари ҳисобланади [4].

Янги таҳрирдаги Ўзбекистон Республикасининг Конституциясига “Давлат хорижда яшаётган ватандошлар билан алоқаларни сақлаб қолиш ҳамда ривожлантириш тўғрисида халқаро ҳуқуқ нормаларига мувофиқ ғамхўрлик қиласи” деган қоиданинг киритилганлиги *биринчидан*, бу соҳада Ҳаракатлар стратегиясига мувофиқ амалга оширилган ишларни изчил давом эттиришга, *иккинчидан*, 2022-2026 йилларга мўлжалланган Янги Ўзбекистоннинг тараққиёт стратегиясида, *учинчидан*, “Ўзбекистон-2030” стратегиясида белгиланган мақсад ва вазифаларни самарали амалга оширишни тъминлашнинг кафолати бўлиб ҳисобланади.

Хулоса ўрнида шуни алоҳида таъкидлаш жоизки, янги таҳрирдаги Ўзбекистон Республикасининг Конституциясининг 23-моддасининг 3-қисмида мустаҳкамланган мазкур қоида ўзбек халқининг азалий орзуларидан бири бўлиб келган хорижда яшаётган ватандошлар билан алоқаларни абадий сақлаб қолиш ва ривожлантириш борасидаги эзгу ғояларни амалга ошириш борасида белгиланган мақсадларга эришиш тегишли манфаатдор давлат органлари, шу жумладан Ўзбекистоннинг хорижий мамлакатлардаги дипломатик ваколатхоналари ва консуллик муассасалари, шунингдек фуқаролик жамияти институтлари, хусусан «Ватандошлар» жамоат фонди, қолаверса Ўзбекистоннинг ҳар бир фуқароси ва хориждаги ватандошларимиз зиммасига муайян масъулият юклайди ҳамда улардан фидоийлик талаб қиласи.

### **ФОЙДАЛАНИЛГАН АДАБИЁТЛАР:**

1. Ўзбекистон Республикасининг фуқаролиги тўғрисида: Ўзбекистон Республикасининг 2020 йил 13 март қонуни. <https://lex.uz/docs/4761984>
2. Миллатлараро муносабатлар ва хорижий мамлакатлар билан дўстлик алоқаларини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида: Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 19 май ПФ-5046-сон Фармони. <https://lex.uz/docs/3210345>

3. 2022 — 2026 йилларга мўлжалланган янги ўзбекистоннинг тараққиёт стратегияси тўғрисида: Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2022 йил 28 январ ПФ-60-сон Фармони. <https://lex.uz/docs/5841063>

4. «Ўзбекистон — 2030» стратегияси тўғрисида: Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2023 йил 11 сентябр ПФ-158-сон Фармони. <https://lex.uz/ru/docs/6600413>

5. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси хузурида Миллатлараро муносабатлар ва хорижий мамлакатлар билан дўстлик алоқалари қўмитасининг ташкил этиш тўғрисида: Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 23 май ПҚ-2993-сон қарори. <https://lex.uz/docs/4925806?ONDATE2=22.04.2021&action=compare>

6. Хорижда истиқомат қилаётган ватандошлар билан ҳамкорлик соҳасида Ўзбекистон Республикаси давлат сиёсатини янада такомиллаштириш чоратадбирлари тўғрисида: Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2018 йил 25 октябр ПҚ-3982-сон қарори. <https://lex.uz/docs/4022649>

7. Хорижда истиқомат қилаётган ватандошлар билан ҳамкорлик соҳасида Ўзбекистон Республикаси давлат сиёсатини янада такомиллаштириш чоратадбирлари тўғрисида: Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2018 йил 25 октябр ПҚ-3982-сон қарорининг 1-иловасига мувофиқ тасдиқланган “Хорижда истиқомат қилаётган ватандошлар билан ҳамкорлик соҳасида Ўзбекистон Республикаси давлат сиёсати Концепцияси” <https://lex.uz/docs/4022649#4029997>

8. “Ватандошлар” Жамоат фондини ташкил этиш тўғрисида: Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2021 йил 11 август ПҚ-5220-сон қарори. <https://lex.uz/docs/5570582>

9. [https://fondngo.uz/events/show\\_event/parlament-komissiyasi-subsidiya-oluvchi-tashkilotlarni-isobotini-eshitdi](https://fondngo.uz/events/show_event/parlament-komissiyasi-subsidiya-oluvchi-tashkilotlarni-isobotini-eshitdi)